



Кун нафаси
Ўзбекистон Республикаси
Президенти **Шавкат Мирзиёев**
Россия Федерацияси sanoat ва
савдо вазири **Денис Манту-**
ровни қабул қилди.

25 апрель куни Ўзбекистон Республикаси Президенти **Шавкат Мирзиёев** шу кунларда Тошкент шаҳрида ўтаётган «ИННОПРОМ. Марказий Осиё» халқаро кўргазмасида Беларусь делегациясига бошчилик қилаётган **Беларусь Республикаси** Бош вазири **Роман Головченко**ни қабул қилди.



Давлатимиз раҳбарининг «**Бирламчи тиббий-санитария ёрдами аҳолига яқинлаштириш ва тиббий хизматлар самарадорлигини ошириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида**»-ги қарори қабул қилинди.

Президентимиз «**Спинал мушак атрофияси ташхиси қўйилган бемор болаларга тиббий-ижтимоий ёрдам кўрсатиш ва дори воситаларини бепул етказиб бериш тизимини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида**»-ги қарорга имзо чекди.

«**Ижтимоий шериклик ҳамда жамоатчилик назоратини амалга ошириш механизмларини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида**»-ги ҳукумат қарори қабул қилинди.

Президентнинг «**2022-2026 йилларда оналик ва балаликни муҳофаза қилишни кучайтириш тўғрисида**»-ги қарори имзоланди.

Ўзбекистон Республикаси ташқи ишлар вазири ўринбосари **Владимир Норов** Қирғиз Республикасининг маиллатимиздаги Фавқуллодда ва мухтор элчиси этиб тайинланган **Муса Жаманбаев билан учрашди.**



Россиянинг Свердловск вилояти Агросаноат маҳмуи ва истеъмол бозори вазири **Артём Бахтерев бошчилигидаги** расмийлар ҳамда йирик ишбилармонлардан иборат делегация **Фарғонага келди.**



Бердақ номидаги Қорақалпоқ давлат университетида **550 ўринга мўлжалланган талабалар турар жойи** фойдаланишга топширилди.



2022 йилнинг январь-март ойларида Ўзбекистон 9 та хорижий давлатдан қиймати 13,5 миллион АҚШ долларига тенг бўлган **455 та электромобиль** импорт қилган.

Келгуси сонларда ўқинг...



Остонадаги орият

Юрт тараққиётини йўлида бирлашайлик!

Ishonch

2022 йил
26 апрель
сешанба
№ 52
(4648)

Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси нашри • Газета 1991 йил 21 мартдан чиқа бошлаган • www.ishonch.uz • e-mail: ishonch1991@yandex.uz



БУЙРУҚ БЕКОР ҚИЛИНДИ

фармацевт ёрдамчиси ўз ишига қайтди

Фуқаролик ишлари бўйича Кармана туманлараро судига фуқаро Санжар Раҳмонов мурожаат қилди. Унда «Fito-farm-lek» МЧЖ раҳбариятининг уни ишдан бўшатиш тўғрисидаги буйруғини ноқонуний деб топиш, ишга тиклаш, мажбурий бекор юрган вақти учун иш ҳақи ҳамда маънавий зарар ундириш даъво қилинган эди.

С.Раҳмонов «Fito-farm-lek» МЧЖга қарашли до-рихонада 2019 йил сен-тябридан 2020 йил 2 нояб-рига қадар фармацевт-ассис-тент вазифасида ишлаб келган. 2020 йил октябрь ойида меҳнат вазифа-рини бир марта қўпол равишда бузиб, жа-миятга зарар етказган, дея топилиб, Меҳнат кодексининг 100-моддаси 2-қисми, 4-бан-дига асосан у билан меҳнат шартномаси бе-кор қилинган.

Ўрганишларда маълум бўлдики, меҳнат шартномасини бекор қилишда МЧЖ томо-нидан қонунчиликнинг бир қатор меъёрла-рига риоя этмаслик ҳолатлари содир этилган. Чунончи, С.Раҳмонов огоҳлантирилмаган, касаба уюшмасининг розилиги олинмаган ва ниҳоят буйруқ билан таништирилиб, унга хо-димнинг имзоси қўйдирилмаган.

Юқоридаги ҳолатларни инобатга олиб ва судга тақдим этилган ҳужжатларни синчков-лик билан ўрганган ҳолда Фуқаролик ишлари бўйича Кармана туманлараро суди С.Раҳмо-новнинг даъвосини қаноатлантирди. Хусу-сан, «Fito-farm-lek» МЧЖнинг даъвогар би-лан меҳнат шартномасини бекор қилиш

тўғри-сидаги буйруғини ғайриқонуний, деб топиб, уни ишга тиклаш, мажбурий бе-кор юрган кунлари учун иш ҳақи ҳамда етказилган маъна-вий зарар учун тоvon пуллари унди-риш тўғрисида қарор чиқарди.

Хулоса ўрнида таъкидлаш жоиз, мамла-катимизда ҳар бир фуқаронинг меҳнат би-лан боғлиқ ҳуқуқ ва манфаатлари қонун би-лан ҳимояланади.

Шерали ОЧИЛОВ,
Фуқаролик ишлари бўйича
Кармана туманлараро суди судьяси

ҳуқуқ



СИНОВДАН «ЎТОЛМАГАН» БОШЛИҚ

Нодиржон Шоимов 2021 йил 7 октябрдан уч ой синов муддати билан Бойсун тумани юридик хизмат кўрсатиш маркази бошлиғи лавозимига тайинланган эди. Аммо 2022 йилнинг январь ойида Нодиржон Шоимов дастлабки синовдан ўтолмади, деган ваз билан эгallaб турган лавозимидан озод этилди.

бўйича тузилиши мумкин деб кўрсатилган.

Вилоят адлия бошқармаси то-монидан тузилган 2022 йил 5 январдаги маълумотномада Н.Шои-мов иш давомида бир қанча хато ва камчиликларга йўл қўй-гани аниқланган. Иш берувчи маъ-лумотномада кўрсатилган хато ва кам-чиликлари учун ходимга нисбатан Меҳнат Кодексининг 181-моддаси талабига кўра интизомий жазо қўллаш ўрнига у билан тузилган меҳнат шартномасини бекор қилган.

Шундан сўнг Фуқаролик ишлари бўйича Термиз туманлараро судига даъво аризаси киритилди ва 2022 йил 18 февралдаги ҳал қилув қарорига кўра даъво аризаси қано-атлантирилиб, вилоят адлия бошқарма-сининг ишдан бўшатиш тўғрисидаги буй-руғи бекор қилинди. Н.Шоимовга мажбу-рий бекор юрган кунлари учун суд қарори билан иш берувчидан 8 миллион 666 минг 299 сўм ҳамда 6 миллион 841 минг 815 сўм маънавий зарар ундириб берилди.

Зариф ХОЛОВ,
Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси
Меҳнат инспекциясининг Сурхондарё вилояти
бўйича меҳнат-ҳуқуқ инспектори



Тафсилот

ЭЛНИ БИРЛАШТИРГАН ТАШВИШ

ёхуд Форишдаги табиий офат халқимизнинг меҳру оқибати қанчалик юксаклигини яна бир бор намоён этмоқда



2022 йил 20 апрель. Фориш тумани «Эгизбулоқ» маҳалласида кучли ёгингарчилик натижасида сел келиш ҳолати кузатилди.

Дастлабки тафсилотларга кўра, сел хо-надонлар, томорқалар, ёрдамчи хў-жалик бинолари, автомобиль йўлла-рига жиддий зарар етказган. Хусусан, 260 та хонадон сел тошқинидан талафот кўрган. Кутқарувчилар 6 нафар фуқарони сел оқимлари ичидан қутқарган. Аммо, аф-

суски, 5 нафар фуқаро вафот этган.

...Эгизбулоқ шундай жойлашганки, худуд-нинг юқори қисмидан бир нечта сел йўллари келиб, айнан аҳоли яшаётган нуқтада бир-лашади. Маҳаллий аҳоли ушбу сойликларга номлар қўйган: Тошбулоқ, Узунбулоқ, Ариш-лисой, Соритол, Тонгисой. Уша куни Тошбу-лоқ, Узунбулоқ, Аришлисой, Соритол камар-ларидан келган сел қишлоқ тепасида жой-лашган «Бойқўчор ота» қабристонига ҳам жиддий зарар келтирган.

Аҳолининг айтишича, худудда бундай сел оқимлари яқин вақтда кузатилмаган.

Мутахассисларнинг таъкидлашича, 40-45 минутда бир ойлик ёгингарчилик миқдо-ридаги намлик тушган. Гувоҳларга кўра, сел тошқини бир соат ҳам давом этмаган. Та-бийки, бу фурсат ичиде чекка қишлоққа фавқуллодда ёрдамнинг етиб бориши ҳам осон эмас. Шу сабабли инсонлар имкон қа-дар ўз жонини сақлаш, яқинларига ёрдам беришга уринган.

Уша куни воқеалар қандай кечган эди? Биз талафот кўрган хонадон эгалари билан суҳбатлашишга ҳаракат қилдик.

>>>2



Миннатдорлик

ЎҚИТУВЧИЛАРНИ ЎЙЛАГАНЛАРГА ТАШАККУР!

Кўп йиллардан буён халқ таълими соҳасида ишлайман. Тизимни тубдан ислоҳ қилиш, таълим сифатини янги босқичга олиб чиқиш, педагоглар-нинг малакаси ва жамиятдаги нуфузини ошириш соҳасида амалга оширилаётган ишлар тўғрисида зиммамиздаги масъулият ҳисси юксалмоқда.



Кези келганда таъкидлаш жоизки, касаба уюшма ташкилотлари ўз вако-латлари доирасида ходим-ларнинг ижтимоий-иқтисо-дий, маънавий манфаатла-рини ҳимоя қилишга алоҳида эътибор қаратаётгани барчага ғайрат-шижоат бахш этмоқда.

Жумладан, касаба уюш-малари томонидан фан олимпиадаларида, турли кўрик-танловларда ғолиб бўлган ўқувчиларнинг устоз-лари муносиб рағбатланти-рилиб борилмоқда.

Халқ таълими вазирлиги ва Ўзбекистон касаба уюш-малари Федерацияси кен-гаши Раёсатининг 2020 йил 14 декабрдаги «Халқ таъ-лими тизимидаги муассаса-ларда меҳнат қилаётган хо-димларни санаторийларда соғломлаштириш ишларини ташкил этиш тўғрисида»-ги

қўшма қарори асосида халқ таълими бўлими методист-лари, мактаб директорлари ва худудда рейтинг бўйича энг кучли деб топилган мак-таблар ўқитувчилари, илғор педагогларга бепул йўллан-малар бериш йўлга қўйилди.

Яқинда мен ҳам ҳам-касбларим қатори «Қашқа-дарё соҳили» санаторийсида имтиёзли дам олдим.

Санаторийдаги шароит-лар, бир-биридан фойдали муолажалардан сўнг сало-матлигим янада яхшиланди, мароқли хордиқ чиқардим. Инсон қадри улуғланаёт-ган юртда яшаётганимдан, меҳнатларимиз эъзозланаёт-ганидан бошим кўкка етди...

Замира ХУДОЙНАЗАРОВА,
Қамаши туманидаги
95-умумий таълим мактаби
директори

Навоий вилояти

БОЛАЛАР кўзидаги қувонч



Тадбир

– Бу ташриф ҳамда совға сифатида тақдим этилган ўқув куроллари, турли бадийий китоблар ва ширинликлар ўқувчиларимизга қувонч улашди, – дейди мазкур мактаб бошлангич касба уюшма кўмитаси раиси Лутфинисо Исмоилова. – Қани энди бундай ташрифлар бошқа корхона ва муассасалар томонидан ҳам ташкил қилинса, ногирон фарзандларимизнинг қувончи кўкка етарди.

Тадбир сўнггида мактаб ўқувчиларидан 30 нафари Ўзбекистон касба уюшмалари Федерацияси Навоий вилояти кенгаши раисининг ёшлар масалалари бўйича маслаҳатчиси Дилафруз Ҳорова етакчилигида Навоий вилояти тарихи ва маданияти давлат музейига саёхатга олиб борилди.

Нормурод МУСОМОВ, «ISHONCH»

Ўзбекистон касба уюшмалари Федерацияси Навоий вилояти кенгаши фаоллари «Беш ташаббус – беш имконият» лойиҳаси доирасида савобли ишга қўл уришди.

Кенгаш вакилларидан бир гуруҳи муқаддас Рамазон ойи муносабати билан Кармана туманидаги 25-маҳсус мактаб-интернатда таълим олаётган имконияти чекланган ва ногиронлиги бўлган ўқувчилар ҳузурида бўлишди.



ЭЛНИ БИРЛАШТИРГАН ТАШВИШ

ёхуд Форишдаги табиий офат халқимизнинг меҳру оқибати қанчалик юксаклигини яна бир бор намоён этмоқда

«1»

«МОЛНИ АСРАБИЗУ, ЖОННИ ЭСА...»

– Ёшим 92да, – дейди Юсуф ота Тўйчиев. – Аммо шу ёшга кириб бундай тошқинни кўрмаганман. Кимлардир 80-йилларда шундай сел бўлган дейишди. Тўғри, сел келган, лекин бу даражада эмас.

Уша кунни уйда ўтиргандим. Ўғлим ваҳима билан «ота, тез чиқинг», деб кириб келиб қолди... Не кўз билан кўрайки, бир ярим-икки метр атрофда «бўтана» оқиб келяпти-да. Икки неварам икки тарафимдан олиб, тепада қурилган молхонага олиб чиқди. Уша ерда селнинг тугагини кутдик.

Бугун ўйлаб қарасам, уйни селнинг йўлига, молхонани қирга қурган эканмиз. Каллани қаранг: молни асрашни билибмиз, жонни асрашни билмабмиз!

«ОТАМНИНГ ИККИ УЙИ ҲАМ СУВДА ОҚДИ»

– Ҳар ким учун киндик қони тўқилган уйи азиз, – дейди Икром Исмоилов. – Отам қурган 5 хонали уйда яшардик. Уша кунни биз ишда эдик. Келиним уч боласи билан уйда бўлган. Қўшнларимизнинг кўмаги билан улар қутқариб қолинган. Энди шу уйдан бир уюм тупроқ қолди. Уни сув олиб кетди.

Мен учун оғири ота-онамнинг қабрларини ҳам сел оқибди кетгани бўлди. Отамнинг энди икки уйи ҳам йўқ... Улар сувда оқди...

ОҚИБАТЛАР БАРТАРАФ ЭТИЛМОҚДА

Айни пайтда «Эгизбулоқ» маҳалласида сел оқибатларини бартараф этиш ишлари жадал олиб боришмоқда. Жараёнда Фавқулодда вазиятлар вазирлиги бўлиналари, ҳарбий хизматчилар, вилоят ва туман корхона, ташкилот, муассасалари ходимлари, кўнгилли ёрдамчилар иштирок этишмоқда. Содир бўлган табиий офат оқибатларини бартараф этиш ишларига 936 нафар ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ходимлари, вилоят ва туман ҳокимлиги масъул раҳбарлари, Фавқулодда вазиятлар тизими хизматчилари ҳамда 63 та маҳсус техника жалб этилган.

– Худуддаги 15-умумтаълим мактабида гуманитар ёрдамларни қабул қилиш штаби ташкил этилган, – дейди Фориш тумани ҳокими ўринбосари Элнора Уммотова. – Уша жойда ҳомийлар ва ташаббускорлар томонидан кўрсатилаётган инсонпарварлик ёрдами ғамлаб бориляпти. Жабр кўрганларнинг эҳтиёжига кўра, озиқ-овқат ва кийим-кечак тарқатилляпти.

– Сел олиб кетган таянчларнинг ўрнига 18 дона темир-бетон таянч ўрнатилиб, 3200 метр кабель тортилди, – дейди Фориш тумани электр тармоқлари корхонаси раҳбари Ихтиёр Норбеков. – 14 дона симёғоч тўғрилиниб, 500 метр электр узатиш ҳаво тармоқлари тикланди. 4 дона трансформатор пунктида жорий таъмирлаш ишлари амалга оширилди.

ДАВЛАТ РАҲБАРИНИНГ НАЗОРАТИДА

– Тошқин ва унинг оқибатларини бартараф этиш бўйича ҳукуматимиз томонидан зудлик билан тегишли чора-тадбирлар ишлаб чиқилган, – дейди Жиззах вилояти Фавқулодда вазиятлар бошқармаси бошлиғининг биринчи ўринбосари Акмал Ўринбоев. – Шу мақсадда Жиззах вилояти ҳокими раҳбарлигида тезкор штаб тuzилди. Айни вақтда штаб талафот кўрган барча аҳолининг муаммоларини бартараф этиш устида ишламоқда. Йўллар таъмирланади. Уйсиз қолган оилаларга уй қуриб берилади. Шу билан бирга, истиқболда бу каби офатларда камроқ талафот кўришнинг чоралари кўрилмоқда. Хусусан, бу ерда келгусида 4 километрлик сел ва тошқинлардан асраш учун муҳофаза зонаси ташкил этиш борасида изланишлар олиб бориляпти. Ҳозирда лойиҳалаш ишлари бошланган. Энг муҳими, бу ердаги барча ишлар давлатимиз раҳбарининг назоратида турибди.

Муқимбой ИСМОИЛОВ, «ISHONCH»



Диққат марказида ходимлар манфаати

Айни кунларда кимё ва фармацевтика саноати тизимидаги корхоналарда жамоа шартномаларининг 2021 йилда бажарилиши бўйича умумий йиғилиш ва конференциялар якунига етмоқда.

Ана шундай анжуманлардан бири тармоқдаги энг катта нуфузга эга бўлган, 9 минг нафардан зиёд ишчи-ҳодимлар меҳнат қилаётган «Навоийазот» АЖда бўлиб ўтди.

Конференцияда Кимё ва фармацевтика саноати ходимлари касба уюшмаси Республика кенгаши раиси Мавжуда Халилова, Ўзбекистон касба уюшмалари Федерациясининг Навоий вилояти кенгаши раиси Назира Тоғаева иштирок этди.

Унда «Навоийазот» АЖ бошқаруви раиси Одил Тимиров ва касба уюшма кўмитаси раиси Феруза Файзиева корхона жамоа шартномасининг 2021 йилда бажарилиши юзасидан меҳнат-кашлар олдида ҳисобот берди.

Ҳисоботларда корхонада меҳнат қилиб, қўшимча имтиёзлар олаётган ходимлар ҳамда оилалар сони, уларга имтиёзлар бериш учун сарфланаётган маблағ миқдори йилдан-йилга ортиб бораётгани, меҳнаткашларнинг ижтимоий-иқтисодий манфаатлари ва меҳнат соҳасидаги ҳуқуқлари ҳимояси, жамоа шартномасида иш беворучи томонидан олинган мажбуриятларнинг қай даражада бажарилаётгани каби масалалар таҳлил этилди.

Шундан сўнг конференция кун тартибига киритилган масалалар қизгин муҳокама қилиниб, «Навоийазот» АЖнинг янги 2022-2024 йиллар учун тузилган жамоа шартномаси маъқулланди.

Жамоа шартномаси ижросига бағишланган конференция «Биринчи резинотехника заводи» МЧЖда ҳам бўлиб ўтди.

Конференция ишида Ўзбекистон касба уюшмалари Федерациясининг Ташкилий ишлар бўлими мудирининг ўринбосари Равшан Самарбеков ҳамда Кимё ва фармацевтика саноати ходимлари касба уюшмаси Республика кенгашининг ижтимоий ҳимоя масалалари

Фарғона вилояти

Оғриқ тишлар...



Бир пайтлар Ўзбекистон туманининг ўқчи қишлоғида «Волга», Овчи қишлоғида Сирожиддин Валиев номи, Қирқкетмон қишлоғида Абдулла Навиёв номи, Жонобод қишлоғида Собир Раҳимов номи болалар оромгоҳлари фаолият юритган бўлиб, бу ерда болажонлар мириқиб дам олишган. Ҳозирга келиб эса мазкур туманда бирорта ҳам болалар оромгоҳи қолмаган. Ваҳоланки, туманда 7-14 ёшдаги ўғил-қизлар сони 32 минг 336 нафарни ташкил этади.

Ҳўш, Ўзбекистон туманидаги салкам 32 ярим минг нафар ўғил-қиз қаерда дам олади?

Фарғона туманида ҳам қанчадан-қанча ўғил-қизларнинг болалик қувончига гувоҳ бўлган «Чайка», «Сувчи», «Қолхозчи», «Ердош» сингари болалар оромгоҳлари бўлган. Аммо, ҳозиргача уларнинг номларига хотираларда қолган.

– Болалик пайтимда бир неча бор «Чайка» болалар оромгоҳида дам олганман, – дея эслайди Охунжон Раҳмонов. – Ҳар йили шу масканга бориб, дам олишни интиқлик билан кутардим. Кейинчалик бу оромгоҳларнинг бирортаси қолмади...

Узоққа бормайлик, Фарғона туманининг сўлим гўшасида жойлашган «Орзу» оромгоҳи 2019 йилгача болажонларнинг аjoyиб дам олиш маскани бўлган. Бироқ 2019 йилда оромгоҳ фаолияти тўхтатилди ва болалар учун «орзу»га айналди. Шу тариқа уша йилдан Фарғонада болалар оромгоҳи яна биттага қамайд.

Афсуски, вилоятда шу пайтгача мана шундай кўплаб аjoyиб оромгоҳлар йўқ бўлиб кетди...

Айни пайтда вилоятда фаолият юритаётган оромгоҳларнинг ҳам сотилиб кетмаслигига қафолат бериб бўлмайди. Аммо мутасаддилар, оромгоҳлар сотилишига, уму-



Жамшид ЭРГАШЕВ, «ISHONCH»

Конференция



Бухоро вилояти

2021 йилнинг 1 февралда Бухоро вилояти мактабгача таълим бошқармаси томонидан З.Ҳафизова Бухоро шаҳридаги 3-мактабгача таълим ташкилоти директори лавозимига ишга қабул қилинади. Ташкилот у билан 2022 йилнинг 1 февралига қадар меҳнат шартномаси тузади.

Касба уюшма аралашгач...

Бўйича бош мутахассиси Нилуфар Музаппарова иштирок этди.

Конференция давомида корхона касба уюшма кўмитаси раиси Д.Алимов ва бош директор ўринбосари Ш.Аминовнинг 2021 йилда жамоа шартномасининг бажарилиши бўйича ҳисоботлари тингланди.

Муҳокамадан сўнг жамоа шартномасининг бажарилиши қониқарли деб топилиб, 2022-2024 йилларга мўлжалланган жамоа шартномаси лойиҳаси маъқулланди.

Конференцияда корхона бош директори Ҳуломжон Ибрагимов сўз олиб, жамоа шартномаси ишчи-ҳодимларни иқтисодий-ижтимоий қўллаб-қувватлаш, меҳнатни муҳофаза қилиш, кадрларни тайёрлаш, ёшлар ва айёлларга ҳар томонлама кўмак беришга йўналтирилганини алоҳида таъкидлади.

Муҳаббат ЎРМОНБЕКОВА, Ўзбекистон касба уюшмалари Федерацияси Матбуот хизмати раҳбари

Ғайриқонуний ҳаракатга чек қўйилди



Мурод Арслонов

Ўзбекистон касба уюшмалари Федерацияси Меҳнат инспекциясининг Бухоро вилояти бўйича меҳнат-ҳуқуқ инспектори

Мурожатни ўрганган меҳнат ҳуқуқ инспекторининг сўзларига кўра, давлат мактабгача таълим муассасаси мудир билан меҳнат шартномаси бир йил муддатга тузилиши ҳақидаги талабни белгилловчи «Давлат мактабгача таълим муассасаси тўғрисида»ги Низом Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 13 майдаги 391-сонли қарорига асосан ўз кучини йўқотган. Қолаверса, Мактабгача таълим вазирлиги ва Таълим ва фан ходимлари касба уюшмалари Республика кенгаши ўртасидаги «2021-2023 йиллар учун тузилган тармоқ келишуви»га кўра, мактабгача таълим тизимидаги раҳбарлар ва ходимлар учун муддатли меҳнат шартномаси тузишмайди, деб белгилаб қўйилган.

Маълумки, Меҳнат кодекси талабларидан келиб чиқиб, ушбу тармоқ келишуви мактабгача таълим ташкилотлари ходимлари учун меҳнат шартлари, иш билан таъминлаш ва ижтимоий қафолатлар белгиллаш борасидаги мажбуриятларни ўз ичига олувчи норматив ҳужжатдир. Меҳнат тўғрисидаги қонунлар ва бошқа норматив ҳужжатлар билан тартибга солинмаган масалалар меҳнат тўғрисидаги шартнома тарафларининг келишуви асосида ҳал қилинади.

Ўз навбатида, тармоқ келишуви амал қилиб турган даврда ходим билан муддатли меҳнат шартномаси тузиш ва кейинчалик шартнома муддати тугади деб, уни бекор қилиш норматив ҳужжатларга зид бўлганлиги боис ҳақиқий эмаслиги кундай равшан. Шундай экан, фуқаронинг бу ваз билан ишдан бўша-тилиши ғайриқонуний ҳаракат саналади.

Масала юзасидан суд муҳокамаларида ходимнинг манфаатлари ҳуқуқий ҳимоя қилиниб, ушбу ғайриқонуний ҳаракатга ўз вақтида чек қўйилди. Суд З.Ҳафизовани лавозимига тиклаш ҳақида қарор қабул қилди.

Мурод АРСЛОВ, Ўзбекистон касба уюшмалари Федерацияси Меҳнат инспекциясининг Бухоро вилояти бўйича меҳнат-ҳуқуқ инспектори



Кўпчилигимизга чорва моллари боқиш, хусусан, қўй ва эчкилар парваришlash отамерос касб. Бу ишга, айнққса, қишлоқ жойларда катта эътибор қаратилади. Чунки улардан олинадиган маҳсулотлар рўзгор тўқинлигини таъминлайди.

Илгарилари ота-боболаримиз сўйилган қўй терисидан пўстак қўйини бозорга чиқариб сотиш мақсадида фойдаланишарди. Замонанинг зайли билан бугунга келиб, бу матоҳга эҳтиёж қолмади.

Ёки бошқа мисол. Бир замонлар тўй ва Қурбон ҳайити кунлари ёки гўштини бозорга чиқариб сотиш мақсадида қўй сўйилса, терифурушлар уларнинг терисини яхшигина ҳақ эвазига харид қилишарди. Ҳозир эса бепул берсангиз ҳам биров олмайди. Устига-устак, сўнгги йилларда қўй ва эчки териларини қайта ишлаш ёки хомашё сифатида экспорт қилиш масаласи анча оқсаяпти. Оқибатда уларнинг маълум қисми чиқиндиҳоналарга ташлаб юборилаётир. Бу эса атроф-муҳит ифлосланишига ва ҳаво бадбўйлашишига сабабчи бўлмоқда.

Қашқадарё вилоятида ҳар куни кўплаб қўйлар сўйилишини ҳисобга олсак, чиқитга айланаётган хомашё қанчалар кўплигини тасаввур қилиш қийин эмас. Биз бу ҳақда «Ishonch» газетасида «Чиқитга айланаётган хомашё» сарлавҳали мақола эълон қилган ҳам эдик. Лекин ҳали-ҳамон тери хомашёси кераксиз бўлиб қоляпти. Масалан, яқинда ён қўшним Баҳром Маҳмудов бирин-кетин сакизта қўчқорини сўйдириди. Қассоблар лоақал минг сўмданга ҳам сотиб олмангани боис у териларни ҳаммасини чиқиндиҳонага олиб бориб ташлабди.

Ўйлаб қоламан, ҳозир тараққиёт асри. Газни минг хил усулда қайта ишлаб, турли-туман янги маҳсулотлар олиняпти. Шундай экан, нега арзон ва кўп бўлган теридан ҳам самарали фойдаланиш мумкин эмас?

Акмал АБДИЕВ,

«ISHONCH»



Андижон вилояти

Жамоат транспорти хизматини қониқарли йўлга қўйиш аҳолининг маълум қатламини ҳимоя қилиш ҳам демакдир. Бу борада Андижон вилоятида аҳвол қандай? Келинг, сўзимизни рақамлардан бошлаймиз, сўнгра мулоҳазаларга ўтамиз.

Айни пайтда Андижон вилоятида кунлик ҳаракатланувчи ижтимоий фаол аҳоли 900 минг нафарни ташкил этади. Уларнинг 641 минг нафари, яъни салкам 90 фоизига мавжуд 359 та йўналишининг 304 тасида «Андижон метроси», дея ном олган салкам 12 мингта «Дамас»да хизмат кўрсатилади. Атиги 9,2 фоиз – 72 минг нафар йўловчи автобус ва микроавтобуслардан фойдаланиш имкониятига эга. Қолаверса, вилоятдаги 49 та йўналишда қатновчи 253 та автобуснинг ўртача «ёши» 6,6 йилга етиб қолган.

1995 йилда 1 минг 980 та автобус, 216 та микроавтобус ҳамда 50 та троллейбус йўловчиларга хизмат кўрсатган бўлса, 2021 йилда бу кўрсаткич атиги 311 тани ташкил этган. Минг нафар аҳолига 0,08 та автобус тўри келади. Маълумот ўрнида келтирсак, ривожланган давлатларда ушбу рақам 2 тага тенг.

Қўриб турибмизки, йиллар мобайнида жамоат транспортда бир талай муаммолар йиғилиб қолган.

Биринчидан, арзон ва қулай бўлган жамоат

транспортнинг 60 фоизи ёки 153 тасининг фойдаланиш муддати 10 йилдан ошган. Айни вақтда вилоят миқёсида 538 та автобус етишмовчилиги мавжуд. Бунинг оқибатида бекатларда автобуслар орасидаги интервал 40 дақиқагача етмоқда.

Иккинчидан, 2,3 миллион, яъни вилоят аҳолисининг 72 фоиз ижтимоий фаол қисмининг шахсий транспортдан фойдаланишининг ортиб бориши натижасида кўчаларда тирбандликлар келиб чиқмоқда. Қолаверса, Андижон шаҳри чорраҳаларининг ўтказиш даражаси ва ҳаракатланиш маданияти пастлиги оқибатида кўплаб йўл транспорт ҳодисаси содир бўлмоқда. Шу билан бирга, вилоят марказининг Эски ва Янги шаҳар қисмида ҳамда Алоқа уйи олдидаги чорраҳалардаги тирбандликлар, Избоскан туманида бир неча йиллардан бери битиши дарғумон автошоҳбекат муаммоларига ечим топилаётгани кўпчиликка ноқулайлик туғдирмоқда.

Учинчидан, автотураргоҳларнинг деярли йўқ



Жамоат транспорти: АРЗОН, ХАВФСИЗ... АММО ҚУЛАЙ ВА ИШОНЧЛИ ҲАМ(МИ?)



лиги йўл ҳаракати қисмининг иккита йўлагининг тартибсиз банд қилинишига сабаб бўлмоқда. Афсуски, велотранспорт йўлаклари ҳам ҳали етарли даражада эмас.

Тўртинчидан, жамоат транспортини янгилаш учун самарали кредитлаш тизимини жорий этиш зарурати юзага келган.

Бугунги кунда кредит ажратиш йиллик 23-24 фоизни ташкил этиб, 3 йил муддатга берилаётгани ҳам масаланинг ечимига тўғаноқ бўлмоқда. Чунки молиялаштиришда имтиёзлар бўлмаса, ҳар қандай соҳанинг ривожланмаслигини ҳаётнинг ўзи кўрсатиб турибди.

Қолаверса, бекатларда ҳаракат жадвали мавжуд эмаслиги, уларнинг талабга жавоб бермаслиги, айниқса, туманлардан вилоят марказига қатновчи ҳайдовчи ва назоратчиларнинг муомала маданияти қониқарсизлиги, электрон ва қулай тўлов тизимининг йўлга қўйилмагани оддий ҳолга айланиб қолди.

Шунингдек, бир вақтлар бекатлар тадбиркорларга фойдаланиш учун берилгани оқибатида бекатлар савдо дўконлари билан бирлашиб кетган. Бу жойларда йўловчилар учун эмас, балки хари

дорлар учун шaroитлар яратилган, десак айни ҳақиқатни айтган бўламиз.

Автомобиль йўлларининг таъмирталаб ва аянчли аҳволда экани эса алоҳида мавзу.

Хўш, бу борада қандайдир ўзгаришлар бўлишига умид борми?

– Тўғри тан олиш керак, жамоат транспорт тизими мамлакатимиздаги ислохотлардан ортда қоляпти. Ўз навбатида хизмат кўрсатиш сифати ва маданиятини юксалтириш, соҳани бугунги давр ва шароитга мослаштириш давлатимиз раҳбарининг олдимизга қўйган долзарб вазифаларидан бирдир, – дейди Андижон вилояти транспорт бошқармаси бошлиғи Ўткирбек Машрапов. – Транспорт вазирилик, Транспорт ва логистика муаммоларини ўрганиш маркази, Транспорт университети билан ҳамкорликда хавфсиз, қулай ва тезкор транспорт тизимини яратиш мақсадида комплекс ривожлантириш концепциясини ишлаб чиқиди. Унга қўра яқин беш йил ичида жамоат транспортини тубдан ўзгариштириш, йўл ҳаракатини ташкил этишнинг тақомиллаштириш, транспорт инфратузилмасини ривожлантириш ҳамда самарали кредитлаш ти

Таҳлил

зимини жорий этишни устувор йўналишлардан этиб белгиланганмиз.

– Комплекс ривожлантириш концепциясига асосан тўрт йил ичида шаҳар магистраль йўналишлари учун 301 та замонавий катта ҳажмли автобус келтирилади ва яна 305 та ўрта ҳажмли автобуснинг шаҳар атрофига қатнови йўлга қўйилади, – дейди Андижон вилояти транспорт бошқармаси автомобиль транспорти бўлими бошлиғи Акмал Асранов. – Шунингдек, Янги Андижон ва Андижон шаҳри оралиқ масофасини 22 та ўрта катта ҳажмли автобус боғлаб туради. Тадбиркорлар ва банк кредитлари ҳисобидан 435 та микроавтобус келтирилиб, уларнинг сони 1 минг 374 тага етказилади.

Айни вақтда вилоятда велосипед йўлакчалари қуриш ишлари олиб борилмоқда. Келгусида идоралар, корхона ва ташкилотлар, маҳаллий ҳокимият органлари ёнидаги ҳудудда велосипед тураргоҳларини ташкил этиш режалаштирилган. Тадбиркорлар томонидан «Велосеринг» жойлари (велосипедларни қисқа муддатли ижарага бериш) тизимини бошқичма-бошқич жорий этиш ишлари бошлаб юборилган.

Жамоат транспортдаги муаммоларга илмий ёндашув энг маъқул ечим дейиш мумкин. Соҳа мутахассисидан мавжуд масалаларга қандай ёндашилипти, деган савол билан мурожаат қилдик.

– Бу борада бир гуруҳ тажрибали профессор-ўқитувчилар томонидан тайёрланаётган «Давлат ва ҳусусий бизнес шериклиги асосида туман (шаҳар) жамоат транспортини ривожлантириш дастурининг рақамлаштирилган модели» мавзусида йирик лойиҳа ажунланмоқда, – дейди Тошкент давлат транспорт университети доценти, иқтисод фанлари номзоди Туйғун Қодиров. – Лойиҳа дастурий аҳамиятга эга бўлиб, у республикамизнинг барча қишлоқлари билан туман марказлари ўртасида жамоат транспорти фаолиятини йўлга қўйишни мақсад қилган. Ҳуш дастурни амалга ошириш асосида тўлиқ ҳусусий капитал жалб этилиб, мингга яқин янги йўналиш очиш ва мавжудларини оптималлаштириш ҳисобига 20 мингдан ортиқ янги иш ўрни яратилади. Янги очиладиган барча йўналишда ташқи шараёни ягона электрон платформада, автоматлаштирилган тарзда ташкил этилади. Йўловчилар учун мобил иловалар, ақлли (смарт) бекатлар, маҳаллий операторларнинг ўзаро ўртасининг, инсорсинг операцияларини тезкор амалга ошириш платформалари операторлар фаолияти хизмат кўрсатиш сифатини яхшилайти, баҳолаш жараёнида коррупция ва инсон омилли таъсирини бартараф этади. Муҳими, йўловчиларга керакли ҳамёнбоп, кафолатланган ва сифатли транспорт хизмати кўрсатиш таъминланади.

Демак, ҳулоаса шуки, жамоат транспортда сифатли хизматни йўлга қўйиш маълум вақт, илмий ҳамда амалий ёндашувни талаб этади. Умид қиламизки, бу борадаги ишлар тез фурсатларда, пухта ёндашувлар асосида амалга ошади.

Анваржон

ҲАЛИМОВ,

«ISHONCH»



«ISHONCH»га жавоб берадилар



«Ishonch» газетасининг 1 мартдаги 26-сонида «Низом кодексдан устунми?» сарлавҳали савол эълон қилиниб, мутасаддилар эътиборига ҳавола қилинган эди.

Мазкур мақолага Адлия ҳамда Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирликлари қуйидагича муносабат билдирди:

ТАКЛИФЛАР БЕРИЛГАН

Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодексининг 234-моддасига мувофиқ, ҳомиладорлик ва туғиш таътили тузганидан кейин аёлнинг хоҳишига қўра унга боласи икки ёшга тўлгунча қадар болани парваришlash учун таътил берилиб, бу даврда қонунчиликда белгиланган тартибда нафақа тўланиши белгиланган.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги, Молия вазирлигининг 2002 йил 18 февралдаги № 588, 35-сонли қарори билан тасдиқланган «Ишловчи оналарга бола икки ёшга тўлгунча қадар бола парвариши бўйича ойлик нафақа тайинлаш ва тўлаш тартиби тўғрисида»ги низом ишлаб чиқилган. Мазкур низомда бюджет корхонасида ишловчи оналарга татбиқ этилмайди, деб белгиланган.

Шу билан бирга, Халқаро Меҳнат Ташкилоти, Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Болалар жамғармаси (ЮНИСЕФ), БМТнинг Ривожланиш дастури, Жаҳон банки ва Осиё тараққиёт банки билан ҳамкорликда аҳолига кўрсатиладиган давлат ижтимоий ёрдами самарадорлигини янада ошириш мақсадида 2021-2030 йилларда Ўзбекистон Республикаси аҳолисини ижтимоий ҳимоя қилиш миллий стратегиясининг концепцияси лойиҳаси тайёрланган ва Вазирлар Маҳкамасига тақдим этилган. Мазкур концепция доирасида ижтимоий сугурта тизимини қайта қуриб чиқиш назарда тутилган.

Шунингдек, 2021-2030 йилларда Ўзбекистон Республикаси аҳолисини ижтимоий ҳимоя қилиш миллий стратегиясининг лойиҳасини тайёрлаш давомида аҳолини, шу жумладан, оналар ва болаларни ижтимоий қўллаб-қувватлашнинг амалдаги тизими қайта қўриб чиқилмоқда.

Юқоридагиларга асосан бюджет корхонада ишловчи аёлларга нисбатан бола парваришlash таътили даврида нафақа тўланиши бўйича таклифлар берилгани маълум қилинади.

Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазири ўринбосари

Б.Умурзаков



МЕҲНАТ КОДЕКСИГА ЗИД ЭМАС

Меҳнат кодексининг 234-моддасига қўра, ҳомиладорлик ва туғиш таътили тузганидан кейин аёлнинг хоҳишига қўра, унга боласи икки ёшга тўлгунча қадар болани парваришlash учун таътил берилиб, бу даврда қонунчиликда белгиланган тартибда нафақа тўланиши лозим. Ишловчи оналарга бола икки ёшга тўлгунча қадар бола парвариши бўйича ойлик нафақа тайинлаш ва тўлаш тартиби тўғрисидаги низомда (рўйхат рақами 1113, 2002 йил 14 март) ишловчи оналарга бола икки ёшга тўлгунча қадар бола парвариши бўйича ойлик нафақа тайинлаш ва тўлаш тартиби белгиланган.

Шу билан бирга, Вазирлар Маҳкамасининг 2013 йил 15 февралдаги 44-сонли қарори (ҳужжат кучини йўқотган) билан тасдиқланган «Кам таъминланган оналарга ижтимоий нафақалар ва моддий ёрдам тайинлаш ва тўлаш тартиби тўғрисида»ги низомда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари томонидан бола парвариши бўйича нафақа тайинлаш ва тўлаш тартиби назарда тутилган. Ушбу низом фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари томонидан бола парвариши бўйича нафақа тайинлаш ва тўлаш тартиби белгиланган тартибда мазкур корхона ёки ташкилотлар маблаглари ҳисобидан нафақанинг ушбу тури тўланаётган оналарга татбиқ этилмайди.

Шундан келиб чиқиб, ишловчи оналарга бола икки ёшга тўлгунча қадар бола парвариши бўйича ойлик нафақа тайинлаш ва тўлаш тартиби тўғрисидаги низомни ҳукуматнинг юқоридаги қарорига мувофиқлаштириш мақсадида мазкур низом муқаддимасининг иккинчи қисмида тегишли ўзгариш киритилиб, бунда низомнинг бюджет ташкилотларида ишловчи оналарга татбиқ этилмаслиги белгиланган.

Бунда ушбу қоида бюджет ташкилотларида ишловчи оналарга бола икки ёшга тўлгунча қадар бола парвариши бўйича ойлик нафақа тўлашнинг алоҳида қонунчилик ҳужжатларида белгиланган тартиби назарда тутилган.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, низом бюджет ташкилотларида ишловчи оналарга татбиқ этилмаслиги ҳақидаги қоида Меҳнат кодексига зид ҳисобланмайди.

Қайд этиш жоизки, амалдаги қонунчиликда бюджет ташкилотларида ишловчи оналарга нафақа тўланиши ҳақидаги қоида мавжуд эмас. Мазкур жавоб хатидан норози бўлсангиз, судга мурожаат қилиш ҳуқуқингиз мавжудлиги тўғрисида қарар қилинади.

Адлия вазирлиги бошқарма бошлиғи

Ў.Назаров

